



## ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ХАРАЖАТЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ОИД ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР

**Валиев Шамсиддин Эшпулатович,**

*Рақамли иқтисодиёт ва агротехнологиялар Университети, Молия бошқармаси бошлиғи. Тошкент давлат иқтисодиёт Университети мустақил изланувчиси, Тошкент, Ўзбекистон*

## SCIENTIFIC AND THEORETICAL APPROACHES TO FINANCING THE COSTS OF HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS

*Shamsiddin E. Valiev,*

*Head of Financial Department of the University of Digital Economics and Agrotechnologies (UDEA). Independent researcher at Tashkent State University of Economics (TSUE), Tashkent, Uzbekistan*

Тел: + 99 (891) 135 21 88

e-mail: [sh.valiyev@udea.uz](mailto:sh.valiyev@udea.uz) ([shamsiddinvaliy@gmail.com](mailto:shamsiddinvaliy@gmail.com))

### **JEL Classification: M4, M42**

**Аннотация.** Мақолада олий таълим муассасалари харажатларини молиялаштиришга оид илмий-назарий қарашлар ўрганилган. Олий таълим харажатларининг хусусиятлари ва уларни молиялаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари бўйича олиб борилган тадқиқотлар шарҳланган. Ўтказилган тадқиқотлардан олинган илмий хулосалар ва уларнинг эмпирик таҳлили бўйича фикр мулоҳазалар солиштирилган. Илмий-назарий қарашларнинг моҳияти асосида уларни олий таълим муассасаларини самарали молиялаштиришда қўллаш борасида мулоҳазалар билдирилган.

**Abstract.** The article deals with scientific and theoretical views on financing the costs of higher education

*institutions. Studies on the characteristics of the costs of higher education and specific aspects of financing higher education institutions are considered. The views on scientific conclusions and their empirical analysis are compared. Based on the essence of scientific and theoretical views, conclusions are drawn regarding their application in the effective financing of higher educational institutions.*

**Таянч сўз ва тушунчалар:** таълим иқтисодиёти, “харажатлар хасталиғи”, харажатларни тақсимлаш ёндашуви, иқтисодий миқёс ва хилма-хиллик самараси, даромадлар назарияси, сигналлар (скрининг) назарияси.

**Key words and concepts:** economics of education, cost disease, cost sharing approach, economies of

*scale and scope, revenue theory, signaling (screening) theory*

### **Кириш (Introduction)**

Олий таълим муассасалари харажатларининг асосий хусусиятлари ва тармоқ хусусиятлари асосида молиялаштириш борасида бир қанча илмий-назарий қарашлар шаклланди. XX асрнинг иккинчи ярмига келиб иқтисодий ёндашувларда инсон ресурслари, инсон капитали каби тушунчалар пайдо бўлди. Инсон капитали назарияси замирида иқтисодий қиймат яратишда иштирок этувчи меҳнат ресурслари, жисмоний капитал, табиий ресурслар ва тадбиркорлик фаолияти каби омиллар кенг ўрганилиши ва уларнинг иқтисодий ўсиш, жамият фаровонлигини оширишдаги ўрни капиталнинг янги "тури" билан бойитилди. Инсон капитали назариясининг қисқача мазмуни шундан иборатки, инсон ресурсларининг таълим жараёнига жалб қилиш орқали унинг меҳнат унумдорлиги ошишига ва бу орқали қўшимча қиймат яратилишига эришилади. Таълимнинг турли бўғинлари орқали тизимли равишда инсон ресурсларига сармоя киритиш (молиялаштириш, харажатлар қилиш) келажакда хусусий маънода таълим олувчига шахсий даромадларининг ортиши ва умумжамят нуқтаи назаридан экзоген омил сифатида иқтисодий ўсишни таъминловчи сифатида қайтим олиб келиши эмпирик далиллар асосида илмий исботини топди. Ушбу йўналишда микро ҳамда макро даражада тадқиқот

объектларининг кенгайиб бориши иқтисодий таълимларда жузъий ўзгариш бўлишига, яъни таълим иқтисодиёти йўналишининг мустақил тадқиқот йўналиши сифатида шаклланишига олиб келди [1].

Мамлакатлар олий таълим тизимлари ҳам умумий таълим тизимининг асосий бўғини сифатида турли илмий-назарий қарашлар чиғириғидан ўтиб борди. Олий таълим муассасаларининг иқтисодий асослари, уларнинг молиявий масалалари ва уларга нисбатан иқтисодий-молиявий самарадорлик борасида турли мавзулар тадқиқотлар предмети сифатида ўрганилди. Айнан шу туфайли, олий таълим муассасаларининг иқтисодий муносабатларини йўлга қўйиш ва молиялаштириш асосларини турли илмий-назарий тақиқотлар хулосаларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тадқиқот ишида олий таълим муассасаларининг харажатларини молиялаштиришга тегишли бир қанча илмий-назарий қарашлар мухтасар таҳлил қилинган ва улар бўйича хулосалар олинган.

### **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review)**

Таълим иқтисодиёти йўналишида олиб борилган тадқиқотлар ва изланишларнинг тадрижий ривожланиб бориши натижасида таълимга қилинган сарфлар ҳамда улардан хусусий қайтимлар, таълимда сигналлар назарияси ва таълимнинг билвосита ижобий таъсирлари мактаблари намоёндалари ғарб иқтисодий

мактабларида жуда кўплаб изланишлар олиб боришди (1-жадвал).

XX аср охири ва XXI аср бошларига келиб, олий таълим харажатларини даромадлар назарияси, харажатларни бўлишиш

амалиёти асосида ўрганиш, олий таълим муассасаларида иқтисодий миқёс ва хилма-хиллик самараси орқали тадқиқ этиш каби йўналишларда бир қанча илмий-назарий қарашлар юзага келди.

### 1-жадвал.1960 йилдан сўнг таълим иқтисодиётида тадқиқот йўналишлари ривожланиш босқичлари<sup>1</sup>

	Тадқиқот йўналишлари		
	Инсон капиталидан хусусий қайтим назариялари	Таълимда скрининг ва сигналлар назариялари	Таълимдан ижобий билвосита таъсирлар назариялари
1960 йиллар	X		
1970 йиллар	X	X	
1980-1990 йиллар	X	X	X

Таълимга қилинган сарфлар ҳамда улардан хусусий қайтимлар йўналишида G.Psacharopoulos, Н. А. Patrinos [2], G.S.Becker, В. R. Chiswick [3], E. Cohn, J. T. Addison [4] кабилар изланишлар олиб боришган. Ушбу тадқиқотларда таълимга сарфларнинг хусусий қайтимини баҳолаш орқали уларни тушунтириш бўйича бир қанча илмий аҳамиятга эга хулосалар олинган. Кейинчалик ушбу тадқиқотларни тўлдирувчи ҳисобланган таълимнинг сигналлар (скрининг) назарияси ҳам кўпчилик тадқиқотлар орқали ўрганилди. Таълимда сигналлар (скрининг) назарияси бўйича T.Schultz [5], J.Mincer [6], G.S.Becker [7] лар илк тадқиқотларни амалга оширишган бўлса, кейинчалик ушбу тадқиқотлар натижасида таълимга сарфларнинг меҳнат бозоридаги

ахборотлар хусусиятлари асосида тадқиқ этиш борасида G.J.Stigler [8], К. Arrow [9], M.Spence [10,11] каби тадқиқотчилар кўпгина қимматли илмий қарашларни ўртага ташлашди. А.В.Аистов томонидан айнан мана шу назария асосида Россиядаги таълим тизими ва меҳнат бозори ҳолати асосида таълимга қилинган сарфлар ўрганилган ва олий таълим тизими хусусиятлари асосида бир қанча илмий қарашлар келтирилган [12].

Олий таълим муассасалари харажатларини уларнинг даромадлари асосида тушунтириш бўйича ҳам турли илмий қарашлар ўртага ташланган. Хусусан, бу борада 1980 йилда Н. R. Bowen [13] томонида қилинган тадқиқот эътиборга моликдир. Кўпчилик тадқиқотчилар ушбу назарияни таълимга қилинган сарфлар

<sup>1</sup> Psacharopoulos G. "Economics of education: A Research Agenda", Economics of Education Review, Vol. 15, No. 4, pp. 339-344, 1996

ошишини тушунтирувчи "харажатлар хасталиги" ёндашувига муқобил назарий қараш деб ҳисоблайди. Жумладан, R. В. Archibald ва D. Н. Feldman [14] лар ушбу икки назарияни эмпирик далиллар асосида солиштириб кўришган ва ушбу назарияларнинг моҳиятини очиқ беришган. Олий таълим муассасалари харажатларини молиялаштиришда, уларнинг тез суръатларда ошиши ва ушбу тенденциянинг асосий сабаби борасида кўпгина тадқиқотлар олиб борилган. Жуда кўпгина тадқиқотлар ушбу молиявий оқибатларни 1966 йилда W.J. Baumol ва W.G. Bowen [15] лар томонидан санъат ва маданият ташкилотлари иқтисодий хусусиятлари борасида қилинган тадқиқот натижалари асосида тадқиқотларга киритган "харажатлар хасталиги" (cost disease) омили билан тушунтиришади. Айнан ушбу омилнинг эмпирик далиллар асосида атрофлича кўриб чиқилиши орқали кўпгина илмий-назарий қарашлар ҳам шаклланди ва қайд этиш мумкин. Жумладан W. G. Bowen [16], R. В. Archibald ва D. Н. Feldman [14] лар ушбу омилни АҚШдаги олий таълим муассасалари учун тадбиқ этган ҳолда тадқиқотлар олиб боришган бўлса, И.В. Абанкина, Т.В. Абанкина, П.В. Деркачевлар [17] томонидан "харажатлар хасталиги" муаммоси Россия Федерацияси олий таълим муассасалари учун ўрганилган. Ушбу тадқиқотларнинг барчасида олий таълимда меҳнат унумдорлиги ва харажатларнинг умумиқтисодий кўрсаткичлар асосида таҳлил қилиш

орқали турли илмий хулосалар олинган.

XXI аср бошларига келиб олий таълим муассасаларини молиялаштиришда харажатларни тақсимлаш (cost sharing) борасидаги қарашлар кенг тадбиқ этила бошланди. Жумладан, Халқаро олий таълимни молиялаштиришнинг қиёсий таҳлили ва фойдаланиш имкониятлари (International Comparative Higher Education Finance and Accessibility (ICHEFA) Project) лойиҳаси бўйича олий таълим муассасаларини молиялаштиришда харажатларни тақсимлаш амалиётига тегишли тадқиқотлар асосида D. В. Johnstone ва P. N. Marcucci [18] лар тадқиқотлар натижаларини жамлашган ва турли илмий қарашларни шакллантиришган. Шунингдек, P. N. Teixeira [19], L. Cerdeira [20] каби тадқиқотчилар ҳам ушбу ёндашув асосида тадқиқотлар олиб боришган. Ушбу тадқиқотларнинг асосий мақсади олий таълим харажатларини асосий молиялаштирувчи субъектлар ўртасида қайта тақсимлаш орқали уларни оптимал молиялаштиришга эришишни ўрганишга қаратилган.

Бундан ташқари сўнгги вақтларда олий таълим муассасаларини ишлаб чиқариш функцияси асосида иқтисодиётнинг харажатлар борасидаги умумий қонуниятлари асосида ўрганиш, уларни тадбиқ этиш орқали таннархни тушириш, харажатларни оптималлаштириш орқали молиялаштириш самарасини ошириш борасидаги тадқиқотлар ҳам кўплаб ўтказилмоқда. E.Cohn, S. L. W.Rhine, M. C.Santos [21], R.


К.Кoшал, М.Кoшал [22] , П. В. Деркачев [23] каби тадқиқотчилар олий таълим муассасаларида иқтисодий миқёс ва хилма-хиллик самаралари қандай ишлайди ва улар орқали харажатларни қай даражада оптималлаштириш мумкинлиги тадқиқ этишган.

### **Тадқиқот методологияси (Research Methodology)**

Тадқиқотда таҳлил, қиёслаш, гуруҳлаш ва жамлаш, шунингдек илмий абстракция, дедукция ва индукция каби методлар асосида илмий қарашлар ўрганилган. Таҳлил ва синтез орқали тегишли илмий-назарий қарашлар шарҳланган ва улардан турли хулосалар олинган. Олий таълим муассасаларида умумиқтисодий қонунларнинг қандай ишлаши, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва жиҳатлари турли тадқиқотлар хулосалари асосида тушунтириб берилган.

Таълим иқтисодиётига тегишли бир қанча мактаблар замирида турли назарияларнинг ривожланиб бориш натижасида олий таълим иқтисодиёти борасида ҳам турли тадқиқотлар, назариялар ва қарашлар шаклланиб борган. Ушбу тадқиқотларда асосан олий таълим муассасалари харажатларининг хусусиятлари, ўзгариши ва уларнинг олий таълим хизматлари нархларига таъсири ўрганилган. Тадқиқот ишида баъзи илмий-назарий қарашлар бўйича ғарб таълим иқтисодиёти мактаблари вакиллари ва уларнинг тадқиқотлари ҳамда ушбу тадқиқотлар асосида МДХ мамлакатларида шаклланган қарашлар биргаликда ўрганилган.

Ушбу тадқиқотда асосан олий таълим муассасалари харажатларини молиялаштиришга тегишли учта илмий-назарий қарашлар таҳлил қилиниши кўзда тутилган (1-чизма).



**1-чизма. Олий таълим муассасалари харажатларини молиялаштиришга тегишли тадқиқ этилиши кўзда тутилган илмий-назарий қарашлар**

Хулоса ва таклифлар қисмида олий таълим муассасалари

харажатларини молиялаштиришга оид илмий-назарий қарашларни

жамлаш, умумлаштириш ва уларни фундаментал ва амалий тадқиқотларда қўллаш истиқболлари хусусида ҳам фикр мулоҳазалар билдирилган.

### **Таҳлил ва натижалар (Analysis and results)**

Олий таълим харажатларини молиялаштиришга тегишли илмий-назарий қарашларнинг ҳар бири маълум йўналишга асосланган бўлиб, олий таълим харажатларининг хусусиятлари ҳамда боғлиқликларини тадқиқ этишга қаратилган. Ҳар бир илмий-назарий қарашларни ўрганилиши мақсадларида турли тадқиқот ишлари бир қанча мамлакатлар олий таълим тизимлари доирасида ўтказилган ва улар асосида турли хулосалар ва илмий қарашлар шаклланган.

**Олий таълим сарфларини молиялаштиришни Баумол ва Боуэннинг тадқиқотлари асосида тушунтиришга қаратилган илмий-назарий қарашлар.** 1966 йилда W.J. Baumol and W.G. Bowen [15] лар ижро санъати ва маданият муассасаларининг иқтисодий хусусиятлари бўйича тадқиқот натижаларини эълон қилишди. Ушбу тадқиқотда улар якка хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичларида юз бериши мумкин бўлган ўзгармас хусусиятга, турғунликка эътибор қаратишди. Тадқиқотга кўра, деярли барча санъат ва маданият асарлари ижроси учун XIX асрда қанча ижрочи бирлиги (ишчи кучи) талаб қилинган бўлса, XX асрда ҳам айнан шунча миқорда ижрочи бирлиги талаб этилади. Тадқиқотларда

эътибор қаратилган асосий жиҳат, ушбу вақт оралигида ижрочиларнинг иш ҳақлари иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги ишчилар каби реал кўрсаткичларда ошишда давом этган. Яъни меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари ўзгармаган ҳолда реал иш ҳақлари ошиши кузатилади ва бундай тармоқларда иқтисодий самарадорлик тушунчасини сўроқ остида қолдиради. Санъат ва маданият асарлари ижроси учун ижрочи бирлигини қисқартиришнинг имконсизлиги, ушбу тармоқларнинг асосий технологик хусусияти деб баҳоланди. Шундан сўнг, бундай хусусият меҳнат унумдорлиги ўсиши кузатилмаган ҳолда реал иш ҳақи кўрсаткичлари ошиб борувчи, якка хизматлар кўрсатиш технологиясига асосланган яна бир қанча соҳалар учун ҳам хослиги кузатилди. Хусусан, таълим соҳаси, юридик хизматлар, тиббиёт хизматлари ва давлат хизматлари соҳаларида ҳам ушбу хусусият мавжудлиги кузатилди. Ушбу соҳаларнинг сарф-харажатлари шаклланишида янги "харажатлар хасталиги" хусусияти ибораси қўлланила бошланди. Тадқиқотлар натижасига кўра иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида реал иш ҳақлари ўсишига мутаносиб равишда меҳнат унумдорлиги ошмаган ҳолда реал иш ҳақларининг ошиб бориш хусусияти мавжуд тармоқлар, соҳалар ва иқтисодий субъектлар "харажатлар хасталиги" ташхиси билан ўрганила бошланди. Олий таълим муассасалари учун ҳам ушбу ташхиснинг ўринли эканлиги XX асрнинг иккинчи ярмида

кўпгина кузатишлар ва тадқиқотлар билан исботланди. 1960 йилларда W. G. Bowen [16] АҚШнинг энг йирик учта нодавлат (хусусий) университетлари кесимида тадқиқот ўтказди. Тадқиқот натижаларига кўра сўнгги олтмиш йил ичидаги харажатларни таҳлил қилган ҳолда, уларда “харажатлар хасталиги” кузатилганлиги илмий асослаб берилди. Шунингдек, И.В. Абанкина, Т.В. Абанкина, П.В. Деркачевлар [17] томонидан 2000-2012 йиллар учун Россия Федерацияси олий таълим муассасаларида “харажатлар хасталиги” муаммоси бўлганлиги ўз тасдиғини топган. Олий таълим харажатлари таркибида иш ҳақи харажатларининг катта улушга эга бўлганлиги туфайли, кўпгина илмий-назарий қарашлар ушбу омил асосида шаклланди. Тадқиқотларга кўра олий таълим тармоғида меҳнат унумдорлигининг турғунлиги (стагнацияси) ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларининг умумиқтисодий кўрсаткичлардан ортда қолиши (productivity lag) асосида турли илмий-назарий қарашлар юзага келган.

Олий таълим харажатларининг тез суръатларда ўсиши замирида айнан “харажатлар хасталиги” омилидан бошқа омилларнинг таъсири ҳам тадқиқотчилар томонидан етарлича ўрганилган. 2008 йилда R. V. Archibald, ва D. H. Feldman [14] лар томонидан ўтказилган тадқиқотда бир қанча тармоқларда нархлар ошиши ва харажатларнинг ўзгариш динамикасини турли назарий қарашларнинг эмпирик далили ўлароқ тадқиқ этилган. Ўтказилган

тадқиқот натижаларига асосан олий таълим соҳаси билан ўхшаш технологик жиҳатларга эга бўлган яна бир неча соҳалар, жумладан тиббий хизматлар, ҳуқуқий хизмат ва стоматологик хизматлар, шунингдек илмий ходимлар томонидан кўрсатиладиган шахсий хизматларда ҳам олий таълим соҳаси билан муштарак хусусиятлар мавжудлиги аниқланган. Тадқиқотлар натижасига кўра “харажатлар хасталиги” муаммоси шахсий хизматлар кўрсатишга асосланган ҳамда юқори малакага эга ишчи кучини талаб этадиган соҳаларга ҳослиги кузатилган.

Хулоса қилиб айтганда, “харажатлар хасталиги” омили асосида олий таълим соҳаси харажатларини таҳлил қилиш борасидаги илмий-назарий қарашларда қуйидаги жиҳатлар юзасидан мулоҳаза юритилади:

- Меҳнат унумдорлиги омилнинг олий таълим соҳасида турғун (стагнант)лиги натижасида, ушбу кўрсаткичнинг умумиқтисодий кўрсаткичлардан ортда қолиши кузатилади (productivity lag). Ушбу сабаб туфайли таълим хизматлари таннархини оптималлаштириш ва меҳнат унумдорлигининг миқдорий ошиши орқали реал иш ҳақларини таъминлаш имкониятлари чекланган бўлади;

- Олий таълим хизматлари индивидуал хизмат кўрсатиш соҳаси ҳисобланиб, хизматлар кўрсатилиш жараёнининг ўзи “якуний маҳсулот” дея қаралади. Айнан мана шу омил ҳисобига хизматлар бирлигига меҳнат ресурслари миқдорини

пасайтириш ёхуд мослаштириш имкониятлари чекланади. Бунда меҳнат ресурсларини капитал билан ўрнини босиш ёхуд капитал самарасини жорий этиш имкониятининг пастлигини ҳам кўшимча қилиш мумкин;

- Олий таълим хизматлари юқори малакага эга меҳнат ресурсларини талаб этувчи соҳа ҳисобланади. Бунинг натижасида эса, ушбу тоифадаги ишчи кучини меҳнат бозоридаги рақобатли иш ҳақларини ҳисобга олган ҳолда жалб этилишини тақозо этади. Оқибатда эса олий таълимда иш ҳақиға харажатларнинг ошиши учун туртки пайдо бўлиши кузатилади.

### **Олий таълим харажатларини**

**молиялаштиришни даромадлар назарияси асосида ўрганишга қаратилган илмий-назарий қарашлар.** Олий таълим муассасалари харажатларини молиялаштиришда даромадлар назарияси муаллифи Н.Р.Бовен [13] бўлиб, Р. В. Archibald, ва D. Н. Feldman [14] лар ушбу назарияни университет сарфларини “харажатлар хасталиги” омили асосида ўрганиш борасида пайдо бўлган илмий-назарий қарашлар билан беллашувчи олий таълим муассасалари харажатларига тегишли асосий назариялардан бири сифатида тавсифлашган.

Н.Р.Бовен ўзининг даромадлар назариясини куйидагича таърифлайди: “Умуман олганда, талаба бирлигига сарфлар таълим хизматларини кўрсатишга тегишли технологик талаблар билан ҳам ёки қандайдир абстракт лозим бўлган стандартлар билан ҳам

белгиланмайди. Бу кўрсаткичлар талаба бирлиги орқали шакллантирилиши мумкин бўлган даромадлар билан белгиланади. Технология ва бошқа лозим талаблар қабул ва даромадларга алоқадорлиги орқалигина талаба бирлиги сарфларига таъсир кўрсатиши мумкин” (Н. Р. Bowen 1980, 18-бет)[13]. Н.Р.Бовен 1980-йилларда АҚШдаги бир қанча университетларда деряли бир хил дастурлар ҳамда стандартлар асосида тайёрланаётган мутахассислар учун қилинган харажатларни солиштириб кўради. Уларда олинган даромадлар ва тўлов шартнома нархлари ҳар хил бўлгани ҳолда сарфлар фарқланганлигига (хилма-хил бўлганлигига) эътибор қаратади. Бу орқали Н.Р.Бовеннинг илмий хулослари шундай бўладики, университетлар ўзлари учун қанча миқдорда даромадларни шакллантирган бўлса, шу асосида харажатлар миқдорини режалаштиради. Олий таълим муассасаларининг таълим сифатини яхшироқ таъминлашга бўлган ҳоҳиши даромадларни янада кўпайтириш ҳамда ушбу даромадларнинг барчасини юқори таълим сифати учун сарфлашга ундайди (quality-cost locus). Даромадлар назариясига кўра, олий таълим муассасалари қанча даромадга эга бўлса ёки бюджетдан субсидиялар олса, уларнинг барчасини яхши таълим сифати ёки бошқа ҳоҳишлари учун сарфлашга интилишади. Университетларнинг сифат ва обрўни таъминлашга бўлган интилишлари ва ўз мақомини сақлаш борасидаги ҳоҳишлари (амбициялари) бундай тушумларни



тўлалигача сарфланишига олиб келади. Оқибатда сарф-харажатлар ишлаб чиқариш ва иқтисодий самарадорлик маъносида ўз хусусиятларини йўқотишни бошлайди. Ушбу жараёнда сарф-харажатларнинг соф иқтисодий хусусиятлари ёки таълим жараёнидаги технологик омиллар, талаба бирлигига харажатларни акс эттирувчи омил сифатида ўз функциясини бажара олмай қолиш эҳтимоли пайдо бўлади. Н.Р.Бовеннинг хулосасига кўра, университетларнинг ўз даромадларини сарфлашга бўлган "иштаҳалари" харажатларни соф иқтисодий маънода таъкиб қилишга имкон бермайди. Н.Р.Бовеннинг мулоҳазасига кўра, бундай ёндашув пайтида олий таълимни давлат томонидан молиялаштиришида қандайдир чекловлар бўлишини оқилона (рационал) қарор деб баҳолаш мумкин. Бу ерда иккита жиҳатга эътибор қаратиш лозим, дейди Н.Р.Бовен:

Биринчидан, нотижорат олий таълим муассасаларида сарф-харажатлар одатда даромадлар ва тушумлар ҳажмидан келиб чиқади. Яъни олий таълим муассасалари таълим жараёни учун қанча даромад йиғиш имкониятларини чамалаб, харажатларини шунга қараб режалаштираверади.

Иккинчидан, юқоридаги сабаларга кўра даромадлар харажатларни белгиловчи (экзоген) омилга айланади. Яъни университетлар қанча маблағ ишлаб топишига қараб сифатни яхшилаш ва университетда таълимни "кўтариш" мақсадида сарфларни белгилаб қўяди. Бу эса сарфларни

алоҳида ёндашув асосида ҳисобга олиш масаласини иккиламчи масала қилиб қўяди. Бунда "олий таълим муассасалари қанча даромад ишлаб топса, шунча сарфлайди" деган шартли қоида ишлашни бошлайди.

Н.Р.Бовен нинг фикрича, университетлар харажатларини даромадлар билан тушунтириш (детерминантлаш), масаланинг бир томони.

Н.Р.Бовен университетларнинг қуйидаги тўртта базавий хусусиятлари ҳам уларнинг сарфларини оширишни тушунтиришда муҳим деб белгилайди (Н. Р. Bowen, 1980, 19-20-бетлар)[13]:

1. Олий таълим муассасаларининг асосий мақсадлари – таълимнинг мукамаллиги, сифати, университетларнинг обрўси ва уларнинг таъсир доирасини ошириш ҳисобланади;

2. Олий таълим муассасаларининг юқоридаги мақсадларига эришиш учун сарфланиши кўзда тутиладиган маблағларини чегараси мавжуд эмас;

3. Ҳар бир олий таълим муассасаси имкони борича ушбу мақсадлар учун кўпроқ маблағ тўплайди, даромадларини шакллантиради;

4. Ҳар бир олий таълим муассасаси мақсадлари йўлида барча топган маблағларини сарфлайди.

Албатта тижорат мақсадларида ташкил этилган нодавлат (хусусий) ва қатъий норматив актлар асосида ишлайдиган давлат олий таълим муассасаларида бу назариянинг амал

қилиши ўзгача бўлади. Чунки, фойдани максималлаштириш ва давлат молиясидаги назорат ва самарадорликни таъминлаш талаблари бу қоида ишлашига йўл бермайди (тўсқинлик қилади).

Олий таълим муассасалари харажатларининг ўзгаришида даромадлар назариясининг бошқа бир ўзига хос жиҳати шундан иборатки, олий таълимнинг оммавий камров даврида ҳамда талаб миқдорининг юқори вақтларида олий таълим муассасалари даромадларни яхшилаш мақсадида талабалар сонини ошириш йўлини танлайди. Гарчи, олий таълим муассасаларининг моддий – техник қувватлари ва академик имкониятлари бундай қабул кўрсаткичларига жавоб бермаса ҳам. Бундай сиёсатнинг салбий оқибатлари туфайли олий таълим муассасаларига юқори иқтидорли талабаларни жалб қилиш муаммоли бўлиб қолиши мумкин ва бунинг натижасида олий ўқув юртларида сифат кўрсаткичларини таъминлаш сўроқ остида қолдирилиши мумкин. Аксарият университетлар даромадларнинг юқори миқдорларини таъминлаш мақсадида “носоғлом” қабул усулларига йўл қўяди. Натижада олий таълим муассасалари таълим сифати, обрў ва тан олинмиш каби мақсадларни таъминлаш йўлларини қидира бошлайди. Н.Р.Бовеннинг фикрича айнан шу туфайли университетларнинг асосий мақсади ва хоҳиши сифат, репутация ва обрў каби омиллар бўлиб қолади. Н.Р.Бовеннинг фикрича айнан мана шу нуқтада олий таълим муассасаларининг фаолиятида

зиддият юзага келади. Университетлар даромадлари барқарорлигини таъминлаш ёхуд таълим сифатини таъминлаш омилларидан бирига устуворлик бериш масаласи кун тартибига чиқади. Иккала мақсадларни бир вақтда таъминлашнинг имкониятлари чегараланган бўлади. Таълим сифатини таъминлаш мақсадида, даромадлар тақчиллигини тўлдириш учун давлат маблағларини оширишни талаб этувчи олий таълим муассасаларига нисбатан Н.Р.Бовеннинг фикрича давлат мутасадди органлари уларга ажаратиладиган субсидиялар миқдориини чеклаш йўлидан боради ва улардан иқтисодий самарадорликка эришишни талаб этади. Натижада давлат ва нодавлат (хусусий) университетларнинг ушбу масаладаги ёндашуви ҳамда имкониятлари ўзгача бўлади. Тўлов шартнома нархлари нисбатан юқори, эндаумент (endowment) жамғармалари ва етарлича васийларларга эга хусусий университетларнинг таълим сифатини таъминлашга бўлган хоҳишлари давлат (public) олий таълим муассасаларига нисбатан самаралироқ таъминланган бўлади. Айнан мана шу омилдан келиб чиққан ҳолда сарф-харажатларни молиялаштириш аҳволи ҳам икки ёндашув учун (давлат ва хусусий университетлар учун) фарқли бўлади.

Сўнгги йилларда олий таълим муассасалари харажатларини молиялаштиришда даромадлар назариясининг миқдорий жиҳатдан текширилиши ҳамда ушбу назарияни амалда ишлаши борасида

хам бир қанча тадқиқотлар ўтказилган ва турли хулосалар олинган [14,21,22].

**Олий таълим харажатларини молиялаштиришда сигналлар (скрининг) назарияси.** Олий таълимга тизимли инвестициялар йўналтириш натижасида меҳнат унумдорлигини, инсон капиталини ошириш ва бунинг таъсирида хусусий даромадларнинг ошиши, иқтисодий ўсишни таъминлаш мумкинлиги борасида шаклланган инсон капитали назарияси ХХ-асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб юқори суръатларда ривожланди. Ушбу назарияни ўрганишда Т.Schultz [5], J.Mincer [6], ҳамда G.Becker [3,7] каби тадқиқотчилар кенг кўламли изланишлар олиб боришди. Олиб борилган илмий изланишларга кўра таълимга қилинган харажатлар (инвестициялар) иш кучининг кўшимча чегаравий унумдорлигига (marginal productivity) ижобий таъсир кўрсатади. Илмий изланишларда юзага келган баъзи бўшлиқларни тўлдириш мақсадида тадқиқотчилар томонидан таълимнинг ишчи кучи борасидаги ахборот вазифаси (функцияси) киритилди. Тадқиқотларга кўра таълим ўзининг сигнал бериш (скрининг) вазифаси (функцияси) орқали меҳнат бозорида мутахассислар борасида сигнал (хабар) бериши мумкинлиги тадқиқотлар предмети сифатида ўрганилди. Меҳнат бозоридаги ахборот асимметрияси муаммоси, яъни ишчи кучи ҳақида иш берувчида етарлича ахборот мавжуд эмаслиги масаласига эътибор

берилди. Иш берувчида иш жойи учун номзод ҳақида етарлича маълумотга эга эмаслик муаммоси мавжудлиги сабабли номзодни ёллаш ҳамда унга иш ҳақи ўрнатишда ҳисобга олинishi лозим бўлган жиҳатлар ажратиб кўрсатилди.

Ажратиб кўрсатилган жиҳатлардан энг асосийлари сифатида номзоднинг таълим даражаси тўғрисидаги маълумотлар ҳамда унинг иш тажрибаси кўрсаткичлари дея таъкидланди. Ушбу асосий жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда таълимнинг сигнал функцияси орқали иш берувчига ишчи кучининг етарлича малакаси мавжудлиги ҳақида хабар берадими ёки иш кучининг лаёқати ҳамда унинг меҳнат унумдорлиги ошиш имкониятлари ҳақида хабар берадими деган илмий-назарий қараш юзага келди. Ушбу илмий-назарий қараш асосида таълимга йўналтирилган сарф-харажатлар сигнал (скрининг) харажатлари сифатида таснифланди ва ўрганила бошланди.

Ушбу илмий-назарий қараш асосида G.J. Stigler [23], K. Arrow [24] ҳамда M. Spence [25,26] каби тадқиқотчилар меҳнат бозоридаги таълимнинг сигналлар назарияси асосида турли илмий изланишларни олиб боришди. Ўтказилган изланишлар натижасида таълимда сигналлар (скрининг) назарияси борасида қарашлар бойитиб борилди ва уларни эмпирик далиллар асосида таҳлил қилишга ҳам ҳаракат қилинди. Меҳнат бозорига олий маълумотли мутахассисларнинг кириб бориши ҳамда иш ўринларига жойлашуви бўйича концептуал

асосларга эга турли илмий-назарий қарашлар юзага келди. Илмий давраларда таълимнинг сигналлар (скрининг) назарияни инсон капитали назариясига муҳолиф бўлган ва қарама-қарши назария сифатида қабул қилиниш ҳолатлари ҳам кузатилди. Бироқ аксарият тадқиқотчилар таълимнинг сигналлар назарияси инсон капитали назариясини тўлдирувчи назария сифатида қабул қилиниши кераклигини таъкидлайдилар. Айрим тадқиқот ишлари таълимда сигналлар назариясига асосланиб, таълим инсонларнинг меҳнат унумдорлигини оширмайди балки ундаги туғма қобилият ҳақида сигнал беради, таълим эса фақат саралаш (филтрлаш) вазифасини бажаради холос дейди[27]. Биринчи қарашга кўра, таълим учун сарфланган харажатларни саралаш жараёнини ташкил этиш учун қилинган сарфлар дея таснифлаш таклиф этилади. Иккинчи ёндашувга кўра, таълим, сигналлар бериш (саралаш) вазифаси билан бир вақтда таълим олувчининг меҳнат унумдорлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатади ҳамда таълим олувчини меҳнат бозорига яхшироқ тайёрлайди деб таъкидлайди. Биринчи ёндашув илмий асосига кўра ҳамда тадқиқот натижаларига асосан қувватсиз дея баҳоланади. Бунга сабаб таълимнинг вазифаларини ахборот бериш функцияси билан тушуниш ушбу жараёнга сарф қилинаётган харажатларни беҳуда эканлигини ҳамда таълим соҳасининг мавжудлигини сўроқ остида қолдиради. Ўз-ўзидан, ушбу хулосалар асосида иккинчи

ёндашувнинг биринчисига нисбатан қувватли эканлигини хулоса қилиш мумкин.

### **Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations)**

Олий таълим муассасалари харажатлари хусусиятлари ва уларни молиялаштиришнинг концептуал асослари умумиктисодий қонуниятлар ва иқтисодиёт назариядаги илмий-назарий қарашлар замирида шаклланган. Аммо, ушбу қонуниятлар айнан ижтимоий соҳа иқтисодиётида, ушбу соҳа муассасалари фаолиятида қандай ишлаши илмий-назарий қарашларнинг тадқиқот предмети бўлганлигини қайд этиш ўринли. "Умумфаравонлик жамияти" (welfare state) ва эркин бозор муносабатлари асосидаги иқтисодиёт (Laissez-faire) да ижтимоий соҳа ҳисобланган таълим ҳамда унинг асосий бўғинларидан бири бўлган олий таълим муассасаларининг иқтисодий асослари ва молиялаштириш тамойиллари кўпгина илмий-назарий қарашлар асосида бўлганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Олий таълим сарфларини молиялаштиришни Баумол ва Боуэннинг тадқиқотлари асосида тушунтиришга қаратилган илмий-назарий қарашлар, олий таълим харажатларини молиялаштиришни даромадлар назарияси асосида ўрганишга қаратилган илмий-назарий қарашлар ҳамда олий таълим харажатларини молиялаштиришда сигналлар (скрининг) назарияси каби йўналишлар кўпгина эмпирик

далиллар асосида шарҳланган ва статистик истиқболлаш бўйича моделлар ҳам таклиф этилган. Эмпирик синовлар натижасида у ёки бу назариянинг кучли ёхуд кучсиз эканлигини борасида ҳам турли ёндашувлар пайдо бўлганлигини ҳам хулоса қилишимиз мумкин. Илмий-назарий қарашлар асосида турли дастур ва нормативлар ҳам ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилган.

Илмий-назарий қарашларнинг асосий мақсадлари олий таълим харажатларнинг динамикаси, молиялаштириш асослари, ижтимоий тамойилларни ҳисобга олган ҳолда рақобат муҳитига мослашувчанликни таъминлаш ва албатта олий таълим муассасаларининг барқарор ва самарали фаолиятини таъминлаш ҳисобланади. Олий таълим муассасалари сарф-харажатларини молиялаштиришга тегишли масаланинг энг асосий жиҳати шундан иборатки, олий таълим соҳасига йўналтирилган сарф-харажатлар мақсадли ўзлаштирилиши ва олий таълимнинг

ўз вазифаларини самарали бажаришини таъминлаши керак. Зеро, олий таълим муассасаларининг давлат молия тизими ва умумжамиат манфаатлари нуқтаи назаридан олий таълим соҳасига қилинган харажатлар молиявий тизимнинг "қора туйнук"ига айланиб қолиши барча илмий назарий қарашлар томонидан инкор этилади.

Илмий-назарий қарашларни чуқур ўрганган ҳолда уларни бойитиш ҳамда уларни эмпирик далиллар асосида замонавий талаб ҳамда ўзгаришлардан келиб чиққан ҳолда кенгайтириш долзарб аҳамият касб этади. Бу борада иқтисодий изланишлар сифати ва сони жиҳатидан янги босқичга чиқиши Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларининг молиялаштириш жараёнларида ҳам муҳим ҳисобланади. Айнан шу мақсадда тизимли тадқиқотлар, ўрганишлар ва илмий изланишлар олиб борилиши илмий соҳа вакиллари ҳамда давлат молия тизими субъектлари учун энг асосий вазифалардан бири деб ҳисоблаш мумкин.

### Фойданилган адабиётлар рўйхати:

1. Psacharopoulos G. "Economics of education: A Research Agenda" , Economics of Education Review, Vol. 15, No. 4, pp. 339-344, 1996;
2. Psacharopoulos G., Patrinos H. A. Human capital and rates of return //International handbook on the economics of education. – 2004. – С. 1-57.
3. Becker, G.S. and B.R. Chiswick (1966), 'Education and the distribution of earnings', American Economic Review, 56 (2), 358–69.
4. Cohn, E. and J.T. Addison (1998), 'The economic returns to lifelong learning', Education Economics, 6 (3), 253–308.
5. Schultz T. Investment in Human Capital // American Economic Review. 1961. Vol. 51. P. 1–17.
6. Mincer J., Polachek S. Family Investment in Human Capital: Earnings of Women // Journal of Political Economy. 1974. Vol.82. P.S76-S108.

7. Becker G.S. Human Capital: A Theoretical and Empirical Analysis. New York: Columbia University Press for NBER. 1964. Ch. 2.
8. Stigler G.J. Information in the Labor Market // Journal of Political Economy. 1962. Vol. 70. P. 94–105.
9. Arrow K. Higher Education as a Filter // Journal of Public Economics. 1973. Vol. 2. P. 193-216.
10. Spence M. Job Market Signaling // The Quarterly Journal of Economics. 1973. Vol. 87. P. 355-374
11. Spence M. Competitive Optimal Responses to Signals: An Analysis of Efficiency and Distribution // Economic Theory. 1974. Vol. 7. P. 296-332.
12. Аистов А.В. Образование – сигнал или инвестиции в человеческий капитал в России? Препринт Р1/2007/04 Нижний Новгород: НФ ГУ ВШЭ, 2007. 39
13. Bowen, H. R. (1980). The costs of higher education: How much do colleges and universities spend per student and how much should they spend? San Francisco: JosseyBass.
14. Archibald R. B., Feldman D. H. Explaining increases in higher education costs //The Journal of Higher Education. – 2008. – Т. 79. – №. 3. – С. 268-295.
15. W.J. Baumol and W.G. Bowen Performing Arts. The Economic Dilemma. A study of Problems common to Theater, Opera, Music and Dance. New York, The Twentieth Century Fund, 1966, XVI p. 582 p.
16. Bowen W. G. The 'cost disease' in higher education: is technology the answer? //The Tanner Lectures Stanford University. – 2012.
17. Абанкина И. В., Абанкина Т. В., Деркачев П. В. Исследование " болезни издержек" в российском высшем образовании //Университетское управление: практика и анализ. – 2014. – №. 4-5 (92-93). – С. 52-65.
18. Johnstone D. B., Marcucci P. N. Financing higher education worldwide: Who pays? Who should pay?. – JHU Press, 2010.
19. Teixeira P. N. et al. (ed.). Cost-sharing and accessibility in higher education: A fairer deal?. – Springer Science & Business Media, 2006. – Т. 14.
20. Cerdeira L. Cost-sharing policy in the European higher education: A comparative perspective //Problems of Education in the 21st Century. – 2009. – Т. 15. – С. 60.
21. Martin R. E. The Revenue-to-Cost Spiral in Higher Education //John William Pope Center for Higher Education Policy (NJ1). – 2009.
22. Martin R. E. The college cost disease: Higher cost and lower quality. – Edward Elgar Publishing, 2011.
23. Stigler G.J. Information in the Labor Market // Journal of Political Economy. 1962. Vol. 70. P. 94–105.
24. Arrow K. Higher Education as a Filter // Journal of Public Economics. 1973. Vol. 2. P. 193-216.
25. Spence M. Job Market Signaling // The Quarterly Journal of Economics. 1973. Vol. 87. P. 355-374
26. Spence M. Competitive Optimal Responses to Signals: An Analysis of Efficiency and Distribution // Economic Theory. 1974. Vol. 7. P. 296-332.



27.Psacharopoulos G. On the weak versus the strong version of the screening hypothesis // Economics Letters. 1979. Vol. 4. P. 181-185.